

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

АШУРОВА НАРГИЗА АЪЗАМОВНА

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ МУЛКИЙ АСОСЛАРИНИНГ
ҲУҚУҚИЙ РЕЖИМИ

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ

юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации
Content of the doctoral (DSc) dissertation abstract

Ашурова Наргиза Аъзамовна

Тадбиркорлик субъектлари мулкый асосларининг ҳуқуқий режими.....3

Ашурова Наргиза Аъзамовна

Правовой режим имущественных основ субъектов предпринимательств.....31

Ashurova Nargiza Azamovna

Legal regime of the property basis of business entities..... 59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works63

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

АШУРОВА НАРГИЗА АЪЗАМОВНА

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ МУЛКИЙ АСОСЛАРИНИНГ
ҲУҚУҚИЙ РЕЖИМИ

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ

юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.DSc/Ү44 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tsul.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Окюлов Омонбой
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Қараходжаева Дилором Мамировна
юридик фанлар доктори, профессор

Насриев Илхом Исмоилович
юридик фанлар доктори, профессор

Чиниев Дилшод Абдимўминович
юридик фанлар доктори

Етакчи ташкилот:

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети

Диссертация химояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги DSc.07/30.12.2019.Ү4.22.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 17 ноябрь соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36 факс: (99871) 233-37-48, e-mail: info@tsul.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (991-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар А.Темур кўчаси 13. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2021 йил 2 ноябрь кун тарқатилди.

(2020 йил 2 ноябрь №14 рақамли реестр баённомаси).



И.Р.Рустамбеков

Илмий кенгашлар берувчи илмий кенгаш
фанлар доктори,
профессор

Д.Ю.Хабибуллаев

Илмий кенгашлар берувчи илмий кенгаш
фанлар номзоди,
профессор

С.С.Гулимов

Илмий кенгашлар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, юридик
фанлар доктори, профессор

КИРИШ (Докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, турли хилдаги ижтимоий-иқтисодий хавф-хатар (намойишлар, иш ташлашлар, пандемия, карантин)лар шароитида имтиёз ва переференциялар бериш орқали уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, тадбиркорлик субъектлари мол-мулкининг ишончли ва самарали ҳуқуқий режимни ўрнатиш борасида доимий мослашиш, ривожланиш ва қонунчиликни такомиллаштириш жараёнлари кузатилмоқда. Bloomberg агентлиги экспертларининг фикрича, SARS-CoV-2 коронавирус тарқалиши оқибатида дунё иқтисодиёти 2,7 трлн АҚШ доллари миқдорида зарар¹ кўради, Халқаро ҳаво транспорти ассоциацияси эса соҳадаги зарарларни 29,3 млрд АҚШ доллари миқдорида баҳолаган² бўлса, Осиё тарққиёт банки Covid-19дан кўриладиган зарар миқдорини 5,8 трлн доллар, карантин чоралар узайтирилган тақдирда зарар миқдорини 8,8 трлн долларга ошишини башорат³ қилган.

Пандемия ва карантин шароитида тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб қувватлашнинг илмий-ҳуқуқий ечимларини топиш, уларнинг мавжуд мол-мулклари ва мулкий ҳуқуқларини сақлаб қолиш ва келгусида барқарор ривожланишининг назарий ва амалий жиҳатдан асослантирилган концептуал йўллари ишлаб чиқиш, тадбиркорлик субъектларининг мажбуриятлари, давлат ва жамият олдидаги турли тўловлар ва йиғимларига нисбатан мораторийлар эълон қилиш жаҳон ҳуқуқшунослиги олдидаги долзарб вазифалар сифатида баҳоланмоқда. Бунда тадбиркорлик субъектлари мулкий асосларининг ҳуқуқий режимини белгилаш, мол-мулкни рўйхатдан ўтказиш тизимини соддалаштириш ва бу жараённи рақамлаштириш, тадбиркорлик фаолиятига мол-мулкни жалб этишнинг усул ва воситалари доирасини либераллаштиришнинг ҳуқуқий асосларини тубдан қайта кўриб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу боис тадбиркорлик субъектлари мол-мулки турларини кенгайтириш, бунда жалб этилган мол-мулк (шу жумладан маблағлар), криптоактивларнинг ҳуқуқий режимини аниқлаш, илгари давлат органларининг ваколати доирасида бўлган бизнес ва хўжалик фаолияти йўналишларини тадбиркорлик субъектларига бериш тенденцияси ҳам юриспруденция фанининг тадқиқ этиш предмети доирасига киритилган.

Шу муносабат билан тадбиркорлик субъектлари мулкий асосларининг режими ва унинг амал қилиш доираси ҳамда кўламини аниқлаштириш, ўзгалар мол-мулкни тадбиркорлик фаолиятига жалб этишнинг янги шартномавий-ҳуқуқий конструкцияларини яратиш, давлатга қарашли хўжалик юритувчи субъектларнинг тадбиркорлик субъекти сифатида мол-мулки ҳуқуқий режимини аниқлашга нисбатан янгича ёндашувларни шакллантириш ва шу асосда рақамли иқтисодиёт шароитида мол-мулкнинг

¹ <https://www.dw.com/ru>

² <https://www.aa.com.tr/ru>

³ <https://www.aa.com.tr/ru>

ҳуқуқий режимини белгилашнинг янги ҳуқуқий механизмларини яратиш муҳим аҳамият касб этади. Айни пайтда тадбиркорлик фаолиятига давлатнинг бевосита иштирокини таъминловчи ҳуқуқий усуллар ва шартномаларнинг моҳиятини тадқиқ этиш, тадбиркорлик субъектлари мулкнинг ҳуқуқий кафолатлар тизимини аниқ белгилаш ҳам долзарб аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда тадбиркорлик субъектлари мулкӣ асослари ҳуқуқий режими амалдаги қонунчиликда бир қадар тарқок, турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда сочилган ҳамда асосан қонун ости ҳужжатлари доирасида белгиланганлиги билан тавсифланади. Тадбиркорлик фаолиятига оид қонунчилик массивининг жуда катталиги ҳам бугунги кунда тадбиркорлик субъектлари мулкӣ асослари ҳуқуқий режимига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасидаги ўзаро зиддиятлар ва ҳуқуқни қўллаш борасидаги муаммоларни келтириб чиқаради. Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектларининг турлари ва уларнинг ҳар бирига оид махсус қонун нормаларининг амал қилиши ҳам мазкур қонунчиликни яхлит тизимга келтириш, қонун ости ҳужжатларини бирхиллаштириш каби масалаларни кун тартибга чиқаради. Мазкур омиллар эса ўз навбатида тадбиркорлик субъектлари мулкӣ асослари ҳуқуқий режимини такомиллаштириш, тадбиркорлик субъектлари мол-мулки таркибининг ҳуқуқий тавсифини таҳлил қилиш, тадбиркорлик фаолиятига ўзгалар мол-мулкни жалб этишнинг ҳуқуқий усулларини кенгайтиришнинг илмий йўналишларини асослантиришни тақозо этади. Шунингдек, давлат ҳокимияти органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан тадбиркорлик субъектлари мулк ҳуқуқининг бузилиши, уларга тегишли кўчмас мол-мулкни ўзбошимчалик билан бузиш ҳолатларининг мавжудлиги қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида ҳам тадбиркорлик субъектлари мулк ҳуқуқни ҳимоялашнинг механизмларини такомиллаштириш заруратини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (1995, 1996), Ер кодекси (1998), “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги (1998), “Гаров тўғрисида” (1998), “Тадбиркорлик фаолияти субъектлари эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги (2012), “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги (2014), “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдор ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги (2014) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли ва «Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 27 июлдаги ПФ-5490-сон Фармонлари, «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикаси рейтингини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 13 июлдаги ПҚ-3852-сон қарори, 2019 йил 5 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ф-5464 сонли

Фармойишида белгиланган устувор йўналишларни амалга оширилишида ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши бўйича бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи⁴. Тадбиркорлик субъектлари мулк асосларининг ҳуқуқий режимини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва университетларида, жумладан Northern Arizona University (АҚШ), University of Leeds (БуюкБритания), Oxford University (Англия), Princeton University (АҚШ), Harvard Business School (АҚШ), University of California (АҚШ), University of Rochester (АҚШ), Portland State University (АҚШ), Johannes Gutenberg-Universität Mainz (Германия), О.Е.Кутафин номидаги Москва давлат юридик университети (Россия Федерацияси), Қозон давлат университети (Россия Федерацияси), Тошкент давлат юридик университетида (**Ўзбекистон**) олиб борилмоқда.

Тадбиркорлик субъектлари мулк асосларининг ҳуқуқий режимини такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишлари натижаларига кўра қуйидагилар олинган: корпорациялар мулк ҳуқуқи таҳлили қилинган. (Northern Arizona University ва University of Leeds), мулкнинг стратегик тузилиши ва қийматини баҳолаш ёндашувлари ишлаб чиқилган (Oxford University), тадбиркорлик субъектлари умумий мулк ҳуқуқининг режими масалалари ёритилган (Princeton University), инситутуциявий тадбиркорлик субъектлари мулк ҳуқуқининг ўзига хос жиҳатлари очиқ берилган (Harvard Business School), тадбиркорлик субъектлари активларини аниқлаш ва уларнинг муомаласи концептуал масалалари аниқланган (University of California), монополияга қараши курашга оид қонунчининг тадбиркорлик субъектлари мулк асосларининг ҳуқуқий режимига таъсирини аниқлаш усуллари асослантирилган (University of Rochester), бизнесни юритишнинг мулк асосларини шакллантиришнинг ҳуқуқий масалалари тадқиқ қилинган (Portland State University), тадбиркорлик субъектлари мулк ҳуқуқи ва эгаллик ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили амалга оширилган (Johannes Gutenberg-Universität Mainz), тадбиркорлик субъектлари мулк асосларини ҳуқуқий тартибга солиш йўналишлари ёритилган (О.Е.Кутафин номидаги Москва давлат юридик университети), тадбиркорлик муомаласида кўчмас мол-мулкнинг ҳуқуқий режими илмий-концептуал ёндашувлар ишлаб чиқилган (Қозон давлат университети), тадбиркорлик субъектлари мулк асосларини

⁴Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи
<https://www.upenn.edu>; <https://www.cambridge.org>; <https://search.ufl.edu>; <https://www.ox.ac.uk>;
<https://www.uchicago.edu>; <https://www.princeton.edu>; <http://www.tsul.uz/> ва бошқа манбалар асосида амалга оширилган.

асосларининг ҳуқуқий режимининг муаммолари таҳлил этилиб, уларнинг ечимлари ишлаб чиқилган (Тошкент давлат юридик университети).

Ҳозирги пайтда дунёда тадбиркорлик субъектлари мулкӣ асосларининг ҳуқуқий режимини такомиллаштириш бўйича, жумладан қуйидаги йўналишларда қатор тадқиқотлар амалга оширилмоқда: тадбиркорлик субъектлари мулкӣ асосларини шакллантиришнинг ҳуқуқий тартибга солиниш; тадбиркорлик субъектлари мол-мулкига нисбатан амал қиладиган ҳуқуқларнинг юридик тавсифини аниқлаштириш; тадбиркорлик субъектларининг мулк ҳуқуқининг чегаралари ва доирасини белгилаш; тадбиркорлик субъектларининг ўзгалар мол-мулкидан фойдаланиш усуллари такомиллаштириш ва ш.к.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тадбиркорлик субъектларининг мулкӣ асосларини такомиллаштириш, соҳанинг қонунчиликка оид ва иқтисодий негизлари узвийлигини таъминлаш масалалари Ўзбекистон Республикасида етарли даражада ўрганилмаган. Шундай бўлсада Ўзбекистонда тадбиркорлик субъектларининг мулкӣ асосларининг муайян қирралари Ю.Б.Саипова, З.О.Қувондиқов, О.Окюлов, Ш.Н.Рўзиназаров, М.Э.Абдусаломов, Ғ.Н.Алиевлар⁵ томонидан тадқиқ этилган.

Хорижлик олимлардан К.Квитман, Т.Нанстад, Oldbridge, Dunphy & Kosher, G.Watt, Allen T. William, Р.Книпер⁶ томонидан тадбиркорлик субъектларининг мулкӣ асослари, хусусий мулк ҳуқуқи объектлари, тадбиркорлик субъектлари фаолиятида бошқа шахслар мол-мулкидан фойдаланиш масалалари тадқиқ этилган.

Тадбиркорлик субъектларининг мулкӣ асосларини такомиллаштиришнинг турли жиҳатлари Р.Р.Ғалиуллин, Д.В.Демидова, Г.Г.Тускаев, М.П.Щеверова, Е.Б.Абакумова, А.Т.Бикчинтаев, Б.Ю.Ахунов, В.В.Ғалов, Е.В.Довлатовалар⁷ томонидан ўрганилган.

Бироқ тадбиркорлик субъектлари мулкӣ режимининг ўзига хос жиҳатлари, янги турдаги объектларга нисбатан ҳуқуқий режимини белгилашга нисбатан ёндашувлар, виртуал мол-мулкнинг ҳуқуқий режими Ўзбекистон қонунчилиги асосида тадқиқ этилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Тошкент давлат юридик университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига киритилиб, «Тадбиркорлик субъектлари мулкӣ асосларининг ҳуқуқий режими» (2018–2021) мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тадбиркорлик субъектлари мулкӣ асосларининг ҳуқуқий режими моҳияти ҳамда уни амал қилиш чегараларини аниқлаш ҳамда мулкӣ асосларни қўллашнинг ҳуқуқий механизмларини ривожлантиришга оид асосий йўналишлар ва устувор жиҳатларни ишлаб

⁵ Ушбу олимларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

⁶ Ушбу олимларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

⁷ Ушбу олимларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тадбиркорлик субъектлари мулкӣ асосларига юридик тавсифи, кафолатлари, қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида ифодаланишига оид миллий қонунчиликнинг шаклланиш тенденцияларини ишлаб чиқиш;

тадбиркорлик субъектлари хусусий мулки ҳуқуқий режимининг моҳияти, юридик расмийлаштириш усулларини татбиқ этиш, тадбиркорлик субъектларининг хусусий мулк ҳуқуқини такомиллаштириш устувор жиҳатлари ва йўналишларини белгилаш;

тадбиркорлик фаолиятида ўзгалар мол-мулки ва бошқа объектлардан фойдаланиш тартиби ва шартларини аниқлаш, фойдаланиш шакли сифатида суперфиций ҳамда қурилишда биргаликда иштирок этиш этиш шартномасининг моҳияти ва уни қўллаш истиқболларини ифодалаш;

тадбиркорлик фаолиятида оммавий мол-мулкдан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятларини ҳамда давлат корхоналари ва муассасалари мол-мулкининг ҳуқуқий режимини аниқлаш, хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан давлат мол-мулкидан фойдаланишнинг самарали механизмларини тавсифлаш;

тадбиркорлик субъектлари мулкӣ асосларига оид хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва шу асосда тадбиркорлик субъектлари мулкӣ асосларининг ҳуқуқий режимини такомиллаштириш муаммоларининг илмий ечимини топиш.

Тадқиқотнинг объекти тадбиркорлик субъектлари мулкӣ асосларининг ҳуқуқий режимига оид муносабатлардир.

Тадқиқотнинг предмети тадбиркорлик субъектлари мулкӣ асосларининг ҳуқуқий режими билан боғлиқ назарий ва амалий муаммолардан иборатдир.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни олиб боришда илмий билишнинг умумий ва махсус усулларидан кенг фойдаланилди. Хусусан, кузатиш, таҳлил қилиш (статистик, қиёсий ва ҳ.к.), умумлаштириш, социологик усуллар (анкета сўровлари, интервью ва ҳ.к.), мантиқийлик, тарихий ёндашув, ҳуқуқий моделлаштириш усуллари шулар жумласидан.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тадбиркорлик субъектларидан мол-мулкнинг ҳуқуқий режимига тааллуқли ҳужжатларни талаб қилишда давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари ушбу ҳужжатларга муҳр босиш ва уни муҳр билан тасдиқлашни талаб қилиши тақиқланиши асослантирилган;

кўчмас мулк юзасидан битимни инсофли тарафи тегишли давлат реестридаги ахборотнинг нотўғрилиги оқибатида кўрган зарар учун кўчмас мулкка нисбатан ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган жавобгар бўлиши асосланган;

кўчмас мулкка оид нотўғри ахборот кадастр объектларига оид ҳуқуқларнинг давлат реестрида бўлганлиги оқибатида кўрилган зарар суднинг қонуний кучга кирган қарори асосида қопланиши зарурлиги асослантирилган;

масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамият устав фонди тегишли жамиятнинг уставида белгиланиши ҳамда иштирокчилар улушларининг номинал қийматидан иборат бўлиши асосланган;

республика ҳудудларида тадбиркорликнинг ривожланиш даражасини баҳолашда тадбиркорлик субъектларининг мулк ҳуқуқи дахлсизлигининг таъминланганлик кўрсаткичини ҳам инобатга олиш ҳамда ушбу индикаторни ҳисоблашга Адлия вазирлигини масъул қилиб белгилаш мумкинлиги асосланган.

давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган қўчмас мулк объектлари бузиб ташлаш тўғрисидаги маҳаллий ҳокимликнинг қарорини адлия органларининг ижобий хулосаси асосида қабул қилиш, ерни олиб қўйиш муносабати билан компенсация бериш тўғрисидаги келишув мажбурий тарзда нотариал тасдиқлаш лозимлиги асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

миллий ва хорижий цивилистик ёндашувлар асосида тадбиркорлик субъектлари мулк асослари комплекс тусга эга эканлиги, тадбиркорлик, фуқаролик, маъмурий, солиқ, молия ҳуқуқи соҳаларининг тартибга солиш механизмлари билан белгиланиши, мол-мулк турларини кенгайтириб ва янги объектларнинг ҳуқуқий режимини белгилашга доир қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар шакллантирилган;

тадбиркорлик субъектлари мулк асослари тизимида хусусий мулкнинг амал қилиши ва қўлланилишининг ҳуқуқий механизмларини аниқлаштириш, хусусий мулкни тадбиркорлик фаолиятида қўлашда субъектларнинг истеъмол мақсади ва тадбиркорлик мақсадини фарқлаш, ҳуқуқий режимнинг ҳуқуқий категория сифатидаги талқинини белгилаш, ҳуқуқий қафолатлар амал қилишининг асосий йўналишларини ривожлантириш юзасидан қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган;

тадбиркорлик фаолиятига ўзгалар мулкни жалб этишнинг зарурати ва аҳамияти, жалб этишнинг янги шакллари бўлган суперфиций ва улушли қурилишда иштирок этишни ҳуқуқий тартибга солиш механизмлари аниқлаштирилиб, ушбу шаклларга оид ҳуқуқий асосларни яратиш ҳамда улар амал қилиши учун тегишли шартнома конструкцияларини ишлаб чиқишга йўналтирилган тавсиялар таклиф этилган;

тадбиркорлик субъекти сифатида хусусий банклар ва бошқа хусусий молия институтларининг молия-хўжалик фаолиятини режали текширишлар кўпи билан беш йилда бир марта амалга оширилиши асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари миллий қонунчилик ва халқаро ҳуқуқ нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, ҳуқуқшунослар орасида ўтказилган ижтимоий сўровноманинг анкета, интервью ва эксперт сўров шакллари асослангани, статистика маълумотларини таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Хулоса,

таклиф ва тавсифлар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялар келгусидаги илмий фаолиятда, қонун ижодкорлигида, ҳуқуқни қўллаш амалиётида, фуқаролик қонун ҳужжатларининг тегишли нормаларини шарҳлашда, миллий қонунчиликни такомиллаштиришда манба сифатида қўллашга ҳамда фуқаролик ҳуқуқи ва халқаро хусусий ҳуқуқ фанларини илмий-назарий жиҳатдан бойитишга хизмат қилади. Тадқиқот натижаларидан янги илмий тадқиқотлар олиб боришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қонун ижодкорлиги фаолиятида, хусусан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ҳамда уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш жараёнида, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда ҳамда олий юридик таълим муассасаларида хусусий ҳуқуқ соҳасидаги фанларни ўқитишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадбиркорлик субъектлари мулк асосларининг ҳуқуқий режимини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган натижалар асосида: Диссертация иши натижаларидан қуйидагиларда фойдаланилган:

тадбиркорлик субъектларидан ҳужжатларга муҳр босишни ёки ҳужжатларни муҳр билан тасдиқлашни талаб қилиш давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларига нисбатан тақиқланиши тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 20 мартдаги «Мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» ЎРҚ-531-сонли Қонуни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитасининг 2021 йил 29 июндаги №04/4-4039-сонли далолатномаси). Мазкур таклиф тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳужжатларни расмийлаштиришга оид ортиқча талаб ва тартибни бекор қилиш йўли билан улар фаолиятини ривожлантиришга имкон яратган;

кўчмас мулк объекти бўйича битимнинг инсофли тарафи кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестридаги нотўғри ахборот оқибатида кўрган зарарлар учун кўчмас мулк бўлган кадастр объектларига доир ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органлар жавобгар бўлиши тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 20 мартдаги «Мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» ЎРҚ-531-сонли Қонунини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик

Палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитасининг 2021 йил 29 июндаги №04/4-4039-сонли далолатномаси). Ушбу таклиф кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларининг давлат реестрини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларининг масъулиятини ошириш ва шу орқали битим тузишда инсофли ҳаракат қилган тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг адолатли механизмини яратилишига хизмат қилган;

кўчмас мулк объектларига оид ҳуқуқларнинг давлат реестридаги нотўғри ахборот оқибатида кўрилган зарарнинг ўрни суднинг қонуний кучга кирган қарори асосида қопланиши зарурлигига оид таклифлар Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 20 мартдаги «Мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» ЎРҚ-531-сонли Қонунини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қараши курашиш қўмитасининг 2020 йил 14 сентябрдаги 16-сонли далолатномаси). Ушбу таклиф битимнинг инсофли томонига етказилган зарарни қоплашнинг адолатли тартиби амал қилишини таъминлашга хизмат қилади;

масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамият устав фонди (устав капитали) жамиятнинг уставида белгиланиши ва иштирокчилар улушларининг номинал қийматидан иборат бўлишига оид таклифлар Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 20 мартдаги «Мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» ЎРҚ-531-сонли Қонунини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қараши курашиш қўмитасининг 2020 йил 14 сентябрдаги 16-сонли далолатномаси). Мазкур таклиф масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятни ташкил этишда тадбиркорлик субъектлари учун қулай ва мақбул режимни ташкил этган ҳамда устав капиталининг миқдорига оид чекловни бекор қилиш орқали улар фаолиятини самарали ишлашига хизмат қилган.

тадбиркорлик субъектларининг мулк ҳуқуқи дахлсизлигининг таъминланганлик кўрсаткичи тадбиркорликнинг ривожланиш даражасини баҳолашда инобатга олинishi ҳамда ушбу индикаторни ҳисоблашга масъул қилиб Адлия вазирлигини белгилаш мумкинлиги тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 8 январдаги 8-сон қарори билан тасдиқланган “Республика ҳудудларида тадбиркорликнинг ривожланганлик даражасини баҳолаш тартиби тўғрисида”ги Низомни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик бошқармасининг 2021 йил 18 августдаги 12/21-33-сонли далолатномаси). Ушбу таклиф тадбиркорлик субъектлари мулк ҳуқуқи дахлсизлигини кучайтиришига имкон берган;

ер участкасини олиб қўйиш ташаббускори ҳамда олиб қўйилаётган ер

участкасида жойлашган кўчмас мулк объектининг мулкдори ўртасида тузиладиган ерни олиб қўйиш муносабати билан компенсация бериш тўғрисидаги келишув мажбурий тарзда нотариал тасдиқланиши тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 ноябрдаги 911-сон қарори билан тасдиқланган “Ер участкалари олиб қўйилиши ва олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектлари мулкдорларига компенсация бериш тартиби тўғрисида”ги низомни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик бошқармасининг 2021 йил 18 августдаги 12/21-33-сонли далолатномаси). Мазкур таклиф тадбиркорлик субъектлари кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқларини таъминлашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 10 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференция ва семинарларда синовдан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш, жумладан, 2 та монография, (1таси ҳаммуаллифликда), 1 та ўқув қўлланма, 11 та илмий мақола ОАК нашрларида, 4 та халқаро журналларда, 9 та илмий анжуманларда чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 268 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** (докторлик диссертацияси аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мувофиқлиги, диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг **“Тадбиркорлик субъектлари мулк асосларига умумий тавсиф: назарий ва амалий масалалар”** деб номланган дастлабки бобида тадбиркорлик субъектлари мулк ҳуқуқи режими тушунчасининг илмий таҳлили, тадбиркорлик субъектлари мол-мулкнинг юридик тавсифи, тадбиркорлик субъектлари мулк асосларининг кафолатлари ва уларнинг қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида ифодаланиши каби масалалар тадқиқ этилган.

Ҳуқуқий режим категорияси ҳуқуқий муносабат объектларига хос бўлиб, асосан объектга нисбатан қонунчиликда белгиланган қоидалар, унинг субъектларга нисбатан қайд этилиши, муомалада бўлиши ва шу каби бошқа ҳолатлар учун назарда тутилган тартиботни англатади. Шу сабабли тадбиркорлик субъектлари мулк ҳуқуқи режими ушбу фаолиятни амалга ошираётган шахсларга тегишли мол-мулкларга нисбатан тааллуқли бўлган ҳуқуқлар ва мажбуриятлар, уларни амалга оширишда риоя этилиши лозим бўлган талабларни қамраб олади. Ишда ҳуқуқий режим юзасидан ҳуқуқшунос олимларнинг (С.С.Алексеев, Д.Н.Шмелева, Т.П.Подшивалов) фикрлари таҳлил қилиниб, ҳуқуқий режим категорияси қонунчилик нормаларида ўрнатилган ҳуқуқ объектларининг статуси ва субъектларнинг мақомига оид қоидаларнинг мажмуидир, деган хулосага келинган. Муаллифнинг ёзишича, ҳуқуқий режим муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларни, ваколатларни, ҳаракатланиш чегаралари ва доирасини, кафолатлар, имтиёзлар, тақиқлар ва чекловларни ўзида ифодаладиган категориядир.

Шунингдек, диссертацияда тадбиркорлик учун мулк ҳуқуқининг ўрни борасида олимларнинг (Robert P. Merges, Townsend David M.; DeTienne Dawn) ёндашувлари асосида мулк тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, тегишли операцияларни амалга ошириш ҳамда фаол бизнесни юритиш учун муҳимлиги қайд этилади.

Тадқиқот ишида тадбиркорлик субъектлари мулк ҳуқуқининг режими фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқи режимидан бир қатор жиҳатлари билан фарқ қилиши асослантирилган. Бу фарқлар сифатида қуйидагилар кўрсатиб ўтилган:

1) агар фуқароларнинг мулк ҳуқуқи режимида асосий мақсад истеъмолга қаратилган бўлса, тадбиркорлик субъекти мулк ҳуқуқи режими фойда олишга йўналтирилади ва бу тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш мақсадидан келиб чиқиб белгиланади;

2) фуқаролар мулк ҳуқуқининг режимидан фарқли равишда, тадбиркорлик субъектлари мулк ҳуқуқи режими қатъий рўйхатга олиш ва солиқ назоратига бўйсундирилган бўлади;

3) фуқаролар мулк ҳуқуқининг режимидан фарқли равишда тадбиркорлар мулк ҳуқуқининг режими бир нечта кўринишларда намоён бўлади.

Муаллифнинг фикрича, тадбиркорлик субъектлари мулк ҳуқуқига алоҳида режим берилиши энг аввало, тадбиркор мақсадлари учун ажратилган мол-мулкдан фақат шу мақсадлар учун фойдаланиш, бунда қатъий ҳисобни юритиш асосида тадбиркорлик фаолиятида барқарорликни таъминлаш назарда тутилади. Муассислар томонидан тадбиркорлик субъектлари учун мол-мулк ажратилиши (масалан, МЧЖ, ишлаб чиқариш кооперативи, унитар корхона) ёки мулкдорнинг ўз мол-мулкидан муайян қисмини тадбиркорлик мақсади учун “тикиши” орқали мулк ҳуқуқининг алоҳида ҳуқуқий режимини вужудга келтириши ушбу шахсларнинг иқтисодий муносабатларга алоҳида мақом – тадбиркорлик мақоми орқали кириб келишига имкон яратади. Бу эса ўз навбатида, тадбиркорлик субъектлари мулк ҳуқуқи режими – ушбу

фаолиятни амалга оширувчи шахслар учун тадбиркорлик субъекти мақомини бериш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Тадбиркорлик субъектларининг мол-мулки ва мажбуриятлари бухгалтерия балансида ифодаланади. Бу ҳисобот санаси ҳолати бўйича тадбиркорлик субъектининг мулкӣ ва молиявий ҳолатини тавсифлайди. Баланс ташкилот (тадбиркорлик субъектлари)нинг активлар деб номланадиган хўжалик воситалари ва пасивлар деб номланадиган уларнинг манбалари тўғрисидаги маълумотларни ифодалайди. Активларга, масалан, асосий воситалар, номоддий активлар, молиявий қўйилмалар, заҳиралар, дебиторлик қарздорлик, ҳисоб рақам ва кассадаги пул маблағлари киради. Ишда бир қатор олимларнинг (А.В.Рыбина, С.А.Коноплев, С. Н.Бердышев) бухгалтерия ҳисобидаги активларга оид фикрлари ўрганилиб, бухгалтерия ҳисобида фуқаролик-ҳуқуқий бўлган “мол-мулк” терминига активлар термини бир қадар мос келиши асослантирилади.

Шунингдек ишда тадбиркорлик субъектлари мол-мулкларининг тури сифатида интеллектуал мулк объектлари (номоддий активлар), асосий воситалар, мулкӣ ҳуқуқ тури сифатида қимматбаҳо қоғозларнинг ҳуқуқий режими таҳлил қилинади.

Диссертацияда айрим ҳуқуқшунос олимларнинг (А.В.Лошкарев, А.В.Хорев, Г.О.Вергасов, Д.Чиниев) тадбиркорлик субъектлари мулк ҳуқуқининг кафолатларига оид фикрлари ва ёндашувлари таҳлил қилиниб, тадбиркорлик субъектлари мулк ҳуқуқининг кафолатлари қонунчиликда белгиланган мулкка эга бўлиш, унга нисбатан ҳуқуқларни амалга ошириш, муҳофаза қилиш ва ҳимоя қилишга нисбатан белгиланган ҳуқуқий чоралар, воситалар ва механизмлардан иборат бўлган тизим тушунилиши асослантирилган.

Муаллифнинг ёзишича, кредит ташкилотлари томонидан жалб этилган маблағлар ушбу ташкилотларнинг мол-мулки ҳисобланишига оид нуқтаи назар ўринлидай кўринади. Мазкур нуқтаи назарнинг асоси сифатида қуйидагиларни келтириб ўтиш мумкин: 1) банкнинг ўз пул маблағлари жалб этилган маблағлар каби пуллик, муддатлилик ва қайтариш асосида жойлаштирилади; 2) маблағлар индивидуал белгиларини йўқотади; 3) банкка маблағларни тасарруф этиш ваколати юклатилади; 4) кредит ташкилоти томонидан жалб этилган маблағлардан фойдаланишнинг ҳуқуқий режими моҳиятига кўра, кредит ташкилотининг ўз маблағлари режимидан фарқ қилмайди; 5) банкнинг фақат ўз маблағларини жойлаштиришга мутаносиб бўлган банк операцияларининг мавжуд эмаслигини банкнинг “бегона” пул маблағлари савдогари эканлигини кўрсатади.

“Тадбиркорлик субъектлари хусусий мулкнинг ҳуқуқий режимини белгилаш муаммолари ва уларни ҳал этиш йўллари” деб номланган диссертациянинг иккинчи бобида тадбиркорлик субъектлари хусусий мулк ҳуқуқининг моҳияти ва аҳамияти, тадбиркорлик субъектларининг хусусий мулкни юридик расмийлаштириш тартибининг илмий таҳлили, тадбиркорлик субъектларининг хусусий мулк ҳуқуқини такомиллаштириш муаммолари каби масалалар таҳлил қилинган.

Ишда келтирилишича, тадбиркорлик фаолиятининг муайян соҳалари ва турларида, тадбиркорлик субъектига тегишли мол-мулкдан бир вақтнинг ўзида икки мақсадда фойдаланишга йўл қўйилади ва аксарият ҳолларда устуворлик дастлаб истеъмол мақсадларига берилади. Бироқ бу ҳолатда тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ мажбуриятлар учун жавобгарлик юзага келганда ундирувни бир пайтнинг ўзида икки мақсадга йўналтирилиши мумкин бўлган мол-мулкка, масалан, турар жойга қаратиш масаласи мунозаралидир. Чунки, юридик шахснинг жавобгарлиги одатда унга тегишли бўлган алоҳида мол-мулкка қаратилади ва фақат қонунда ёки таъсис ҳужжатларида белгиланган ҳолларда муассислар жавобгар бўлиши ҳамда ундирув уларни мол-мулкка қаратилиши мумкин. Якка тадбиркорнинг фуқаролик жавобгарлиги қоида тариқасида ФКнинг 25-моддасида белгиланган қоидадан англашилади ва бунда у ўзига қарашли бутун мол-мулк билан жавоб беради.

Тадбиркорлик субъектлари мол-мулкининг ҳуқуқий режими тадбиркорлик субъектларининг турлари ва ҳуқуқий ҳолатидан келиб чиқиб ҳам фарқланишини инобатга олиш зарур. Мол-мулк ҳуқуқий режимининг ўзига хослигидан келиб чиқиб, қуйидаги таснифни келтириш мумкин:

1) хусусий мулкдорлар – якка тадбиркор мол-мулкининг ҳуқуқий режими;

2) хўжалик жамиятлари ва ширкатлари (ишлаб чиқариш кооперативи, унитар корхона ҳам шунга киради) мол-мулкининг ҳуқуқий режими;

3) умумий мулкка асосланган ЮШлар конструкцияси: деҳқон хўжалиги ва оилавий корхона (булар ЮШ мол-мулки субъекти бўлмайди) мол-мулкининг ҳуқуқий режими.

Мазкур таснифдаги субъектлар хусусий мол-мулкининг ҳуқуқий режими уларнинг фуқаролик-ҳуқуқий мақомидан келиб чиқади ҳамда ўзларига қарашли мол-мулкнинг тегишли тартибда қайд этилганлиги, фуқаролик муомаласида бўлиши юзасидан қарор қабул қилиш тартиби, мажбуриятлар учун жавобгарлик қаратилишини хусусиятлари асосида фарқланади.

Эътироф этиш лозимки, мол-мулкни давлат рўхатидан ўтказиш уни режимини белгилаш муҳим ўрин тутувчи тизим саналади. Мулк ҳуқуқи рўйхатдан ўтгандан кейин, кўчмас мулк билан бирга, уларга тенглаштирилган мол-мулклар: автотранспортлар, булдозерлар, тракторлар, алоҳида станоклар, шуларни ҳам инобатга олиш лозим.

Тадбиркорлик субъектлари тегишли мол-мулкларнинг муайян турлари, кўчар ёки кўчмас мол-мулк бўлишидан қатъий назар рўйхатга олинади ва бу борада тегишли қайдлар юритилади. Хусусан, тадбиркорлик субъектлари мол-мулклари (кўчмас мол-мулклар, транспорт воситалари ва шу кабилар)нинг давлат рўйхатидан ташқари, техник рўйхат ҳамда инвентаризация дафтарлари мавжуд. Қолаверса, ҳар бир воситани инвентар тартиб рақами бор ва шу бўйича балансда улар акс этади.

Тадбиркорлик субъекти хусусий мол-мулкининг ҳуқуқий режимида мол-мулкни ҳисобдан чиқариш ва йўқ қилиш (утилизация) ҳам муайян

аҳамият касб этади. Қоидага кўра, мол-мулкни ҳисобдан чиқариш ҳам муайян қоидаларга бўйсундирилган жараён бўлиб, бунда тегишли мол-мулк фойдаланиш муддати тамом бўлганидан сўнг ёки тегишли мақсадда фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолгач уни ҳисобдан чиқариш ёки йўқ қилиш лозим бўлади. Бу ҳолат ҳар қандай тадбиркорлик субъекти ҳисобдан чиқариш ва йўқ қилиш жараёнини расмийлаштириши ва бу борада бухгалтерия ҳужжатларини юритиши талаб этилади.

Маълумки, трактор, автомобиль “сафдан чиққандан” сўнг иккиламчи қайта ишлаш учун муҳим манба ҳисобланади. Ушбу мол-мулкларда мавжуд бўлган қора металл, иккиламчи хош-ашё сифатида алоҳида қийматга эга бўлади. Қолаверса, утилизация ва қайта ишлаш объектлари бўлиб шиналар, пластик, ойна ва ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари ҳам ҳисобланади.

АҚШ ва европа мамлакатларида машиналарни қайта ишлаш ва уларнинг айрим қисмларидани иккиламчи фойдаланишга ихтисослашган саноат тармоғи шакллантирилган. Қайд этиш лозимки, саноати ривожланган мамлакатларда ҳам техникани қайта ишлаш даражаси 100% ни ташкил этмайди. Ушбу мамлакатларда эски машиналарнинг 80% материали қайта ишланади ёки иккиламчи фойдаланилади. Фақатгина мураккаб машиналарининг ишлаб чиқишда фойдаланиладиган металллар 100% қайта ишланади.

Қайд этиш лозимки, мол-мулкни ҳисобдан чиқариш, хусусан, давлат идоралари ва муассасалари балансидаги мол-мулкни ҳисобдан чиқариш қийин жараён бўлиб, бу жараённинг белгиланган муддатлари, тартиби мавжуд. Бунда балансидаги мол-мулкнинг мулк ҳуқуқи объекти сифатида режими ўзгариш содир бўлади, масалан, мебел ўтин, қоғоз мақалатура ўтади, машина бўлса металлом режимига ўтади. Тадбиркор “шунчаки”, “йўлига” бу ҳаракатни амалга ошира олмайди, чунки бу ҳолатда амортизация ажратмалари, утилизация тўловлари каби харажатларни тўлаш зарур бўлади. Айрим мол-мулкларни эса тўғридан-тўғри утилизация қилиш лозим бўлади. Бунда мол-мулк муайян муддатлар ва юқорида таъкидлаб ўтилган махсус комиссия хулосаси асосида ҳисобдан чиқарилади. Шу муносабат билан тадбиркорлик субъектлари мол-мулкни ҳисобдан чиқариш асослари, тартиби ва таомилларининг шаффоф механизмларини яратиш лозим.

Диссертацияда бир қатор ҳуқуқшунос ва иқтисодчи олимларнинг (И.А.Варпаева, А.С.Паламарчук, А.Тожибоев) номоддий активларнинг, хусусан интеллектуал мулк объектларнинг тадбиркорлик субъекти мол-мулки сифатидаги ҳуқуқий ҳолати ўрганилиб, интеллектуал мулк объектларига нисбатан муаллифлик, лецинзия ҳамда пудрат шартнома, шунингдек комплекс тадбиркорлик лицензияси асосида ҳуқуқлар амалга оширилиши асослантилган.

Тадбиркорлик субъектлари мол-мулки таркиби ҳам бугунги илм-фан ривожланиши босқичида кенгайиб, янгидан-янги моддий объект турлари билан бойиб бораётганлиги ўз навбатида, уларнинг ҳуқуқий режимини белгилаш заруратини юзага келтирмоқда. Жумладан, юқори технологик ишлаб чиқариш воситаларининг иқтисодиётнинг турли тармоқларига кириб

келаётганлиги, ушбу объектларнинг юридик табиати анъанавий мол-мулкнинг ҳуқуқий режимидан фарқ қилиши сабабли ҳам, тадбиркорлик субъектлари мол-мулки таркибида мазкур, юқори технологик объектларни қайд этиш, улар ҳисобини юритишнинг янги тартиботини ишлаб чиқиш зарурати мавжуд. Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектлари доирасининг кенглиги ва улар турларининг хилма-хиллиги, мол-мулклар жалб этилиши мақсадларнинг турличалиги ҳам муайян ҳуқуқий режимларни юзага келтиради. Масалан, тадбиркорлик субъектлари мол-мулкининг одатдаги режимидан фарқ қилувчи инвестиция режими, ислом молияси режими, махсус иқтисодий зоналар режимлари амал қилади.

Диссертациянинг учинчи боби **“Тадбиркорлик фаолиятида ўзгалар мол-мулки ва бошқа объектлардан фойдаланиш тартиби ва шартлари”**га бағишланади ва унда тадбиркорлик фаолиятида ўзгалар мол-мулкидан фойдаланиш шакллариининг умумий тавсифи, суперфицийнинг тадбиркорлик фаолиятида ўзгалар мол-мулкидан фойдаланиш шакли сифатида ҳуқуқий асослари, тадбиркорлик фаолиятида ўзгалар мол-мулкидан фойдаланиш шакли сифатида қурилишда биргаликда иштирок этиш шартномасининг моҳияти ва уни қўллаш муаммолари каби масалалар ўрганилган.

Тадбиркорлик фаолиятида бошқалар мулкни жалб этиш амалдаги қонунчилик йўл қўядиган ҳар қандай ҳуқуқий механизмлар орқали амалга оширилади. Бунда бир-бири билан ҳуқуқий жиҳатдан боғланган субъектлар ўртасида мол-мулкни жалб этиш (ашёвий-ҳуқуқий усуллар, масалан, суперфиций, эмфитевзис, оператив бошқариш, хўжалик юритиш), турли ҳуқуқ субъектлари ўртасида шартномалар (мажбурият ҳуқуқий, ижара, текин фойдаланиш, ишончли бошқариш, гаров ва шу кабилар) асосида мол-мулкни жалб қилиш ҳамда интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқлардан фойдаланиш (мутлақ ҳуқуқлар лицензия, комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг) ва шу кабилар) усул ва механизмлари мавжуд.

Тадқиқотда ўзгалар мол-мулкидан тадбиркорлик фаолиятида фойдаланишнинг ашёвий ҳуқуқий усулларига оид айрим олимларнинг (В.В.Галов, Ю.П.Каширина) фикрлари ўрганилиб, тадбиркорлик фаолиятида ўзгалар мол-мулкидан фойдаланишнинг янги усуллари жорий этиш ва уларни қўллашнинг самарали ҳуқуқий тартиботини белгилаш мақсадга мувофиқлиги хусусида хулосага келинган.

Ҳозирда ўзгалар мол-мулкни тадбиркорлик фаолиятига жалб этишда ривожланган мамлакатлар қонунчилигида кенг қўлланиладиган бир қатор шартномавий конструкцияларни қўллашга ҳам эътибор қаратилмоқда. Ана шундай конструкциялар жумласига, суперфиций, узуфрукт, қурилишда биргаликда иштирок этишни киритиш мумкин. Ашёвий ҳуқуқларнинг мазкур турлари ўзгалар мол-мулкидан тадбиркорлик фаолиятида фойдаланишда қўллаш орқали ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва иш бажариш соҳаси учун муайян мулккий асос яратилишига хизмат қилади.

Суперфицийни тадбиркорлик фаолияти асоси сифатида қўллашда энг аввало ер участкасининг ҳуқуқий мақоми ва ернинг фуқаролик муомаласида эркин объект бўлиши ёки бўлмаслиги масаласига боғлиқдир. Шу сабабли суперфиций бошқа шахсга тегишли ер участкасида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга қаратилган бино ва иншоотни қуриб, ундан фойдаланишда ҳам ифодаланади.

Ашёвий ҳуқуқ турларидан бири сифатида суперфицийнинг ўзига хос жиҳатларига оид олимларнинг (В.Ё.Эргашев, Е.А.Суханов, И.А.Емелькина) фикрлари ҳамда хорижий мамлакатлар (Германия, Австрия, Эстония, Швейцария, Италия, Франция, Украина) қонунчилиги таҳлили қилиниб, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ҳам суперфиций, яъни ер участкасини қурилиш қилиш учун ўзга шахсга топширишга оид қоидаларни киритиш таклифи илгари сурилади. Бунда суперфиций институту ФКнинг “мулк ҳуқуқи ва ашёвий ҳуқуқлар” бўлимига киритилиши ва унда “Қурилиш қилиш ҳуқуқи (суперфиций)” алоҳида боб сифатида белгиланиши лозим. Бунда “Ер участкасида қурилиш қуриш ҳуқуқи (суперфиций) тушунчаси”, “Қурилиш қилиш ҳуқуқи (суперфиций)нинг асосий шартлари”, “Қурилиш қилиш ҳуқуқи учун ҳақ тўлаш”, “Қурилиш қуриш ҳуқуқи тугатилиши”, “Қурилиш қилиш ҳуқуқи тугатилганда мажбуриятлар бўйича ворислик” каби қоидаларни қамраб олиши лозим. Жумладан, ФКга “Қурилиш қилиш ҳуқуқи (суперфиций)” номли 14¹-бобни киритиш, 181¹-моддаси сифатида “Ер участкасида қурилиш қуриш ҳуқуқи (суперфиций) тушунчаси”ни киритиш зарур бўлади.

Тадқиқот ишида ёзилишича, Кўчмас мулк объектлари қурилишида биргаликда иштирок шартномасининг таърифи қонунчиликда белгиланмаган. Лекин, тадбиркорлик соҳасидаги шунга ўхшаш қурилиш бўйича шартномаларнинг конструкцияси моҳиятидан келиб чиқиб, қурилишда биргаликда иштирок шартномаларини қуйидаги контекстда талқин этиш мумкин:

Қурувчи, шартномада белгиланган муддатда, мустақил равишда ва (ёки) бошқа шахсларни (пудратчиларни) жалб қилган ҳолда, кўп хонадонли уй ва (ёки) бошқа кўчмас мулк объектини қуриш ва уларни фойдаланишга топширишга рухсат олган ҳолда иккинчи томонга топшириш мажбуриятини олади. Қурилишда биргаликда иштирок этувчи мажбуриятларига, шартнома билан ўрнатилган нархни тўлаш ва кўчмас мулк объектини фойдаланишга топширилишига рухсат мавжуд бўлиш шарти билан уни қабул қилиш киради.

Тадқиқ этилаётган шартнома ҳозирги вақтда ЎзР Фуқаролик кодексининг матнида кўрсатиб ўтилмаган, шу сабабли баъзи ҳолларда унга аралаш шартнома сифатида қаралади, бу эса қурилишдаги улушбай иштирок этиш шартномаларидан келиб чиқувчи низоларни хал этишнинг ягона суд амалиёти йўқлигини билвосита омили бўлиб хизмат қилади.

Диссертацияда қурилишдаги улушбай иштирок этиш шартномасига оид бир қатор мутахассислар (Д.А.Соболев, А.А.Биньковская, О.С.Вагина) фикрлари ўрганилиб, ушбу шартнома хиссадор – буюртмачи, қурувчи эса –

бош пудратчи ҳисобланувчи қурилиш пудрат шартномасига ўхшаш эканлиги қайд этилади. Қурилишда улушли иштирок этиш мулкдор ва тадбиркор ўртасидаги шартнома асосида амал қилади, бунда тадбиркор ҳуқуқлари кафолатлари, бунда баланс ва мувозанат бўлиши керак. Мулкдор ўз ҳуқуқларини суиистеъмол қилса, шартномани бир томонлама бекор қилса, уни қайтармоқчи бўлса тадбиркор қийин ҳолатда қолади ва унинг имкониятлари пасаяди. Шу сабабли тадбиркор ҳуқуқларининг кафолатлари ҳам қонунчилик даражасида белгиланиши мақсадга мувофиқдир.

Шундан келиб чиқиб, диссертацияда, қурилишда биргаликда иштирок этиш шартномасига оид қоидаларни ФКга алоҳида боб сифатида киритиш ва бунда қурилишда биргаликда иштирок этиш шартномасининг тушунчаси, шакли, мазмуни, ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш, кўп квартирали уй-жойларни қуришда биргаликда иштирок этиш, шартноманинг баҳоси, кафолатлари ва шу каби бошқа қоидалар ўз ифодасини топиши лозимлиги асослантирилган.

Тадқиқот ишининг **“Тадбиркорлик фаолиятида оммавий мол-мулкдан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари”** номли тўртинчи бобида давлат корхоналари мол-мулкидан фойдаланишнинг ҳуқуқий режими, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи давлат муассасалари мол-мулкининг ҳуқуқий режими, хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан давлат мол-мулкидан фойдаланиш хусусиятларига оид масалалар тадқиқ қилинган.

Ишда келтирилишича, бугунги кунда нафақат хўжалик юритиш ва оператив бошқариш ҳуқуқининг юридик тақдири, балки ДУК (давлат унитар корхона)нинг сақланиб қолиши масаласини ҳал қилиш керак. Бунда ДУКларни сақлаб қолиши ва унга нисбатан мол-мулкни қайси ҳуқуқ асосида бириктириш масаласи фуқаролик ҳуқуқи назарияси ва амалиёти учун долзарб аҳамият касб этади. Шунинг эътиборига эришган ҳолда, ҳуқуқ субъекти сифатида давлат мавжуд бўлар экан, унда муайян мол-мулкнинг мавжуд бўлиши ва ушбу мол-мулк иқтисодий муомалага киритилиши табиий ҳолдир. Бу эса айни пайтда ушбу мол-мулк фақат хусусий сектор вакилларига бериш йўли билан муомалага киритилиши лозимлигини англамайди. Шу сабабли давлат томонидан иқтисодиётнинг муайян тармоқларни ривожлантириш мақсадида тадбиркорлик тузилмаларини ташкил этиш ва улар орқали иқтисодий ривожланишни таъминлаш мумкин.

Диссертацияда давлат корхоналари мол-мулкининг ҳуқуқий режими хусусидаги олимларнинг (М.Х.Баратов, В.П.Шкредов, В.П.Мозолин, В.А.Болдырев) ёндашувлари ўрганилиб, оператив бошқариш ва хўжалик юритиш ҳуқуқининг табиати ва унинг мазмунини англашга нисбатан чуқур ёндашув ва майдалаштирилган талқинга бугунги кун нуқтаи назардан алоҳида зарурат мавжуд эмас, деган хулосага келинади. Ўз вақтида долзарб ва муҳим бўлган мазкур институтларнинг ижобий жиҳатлари, замонавий реалликда бир қатор салбий оқибатларга олиб келди. Бу салбий оқибатларга мулкнинг марказлашуви, бошқарувда иқтисодий жиҳатдан носамарадорлик, хўжасизлик ва талон-тарожликни киритиш мумкин. Шу боис ҳозирда мазкур

ҳуқуқларни, хусусан, оператив бошқариш ҳуқуқини сақлаб қолиш ҳамда унинг мазмуни доирасини белгилаш муҳимдир. Бунда В.А.Болдырев томонидан таклиф этилган, ушбу ҳуқуқларнинг ФКда жойлашган ўринини давлатнинг субъектчилига оид бобга кўчириш ёки умуман ФКдан ушбу ҳуқуқни чиқарган ҳолда, бошқа қонунчилик ҳужжатларида ифодалаш масаласини ҳам ўйлаб кўриш лозим. Назаримизда, давлат унитар корхоналарига нисбатан оператив бошқариш ҳуқуқини сақлаб қолиш ҳамда унинг ФКдаги жойлашган ўрини аниқлаш, алоҳида ашёвий ҳуқуқ сифатида ФКнинг 165-моддасида санаб кўрсатиш, ҳамда унинг ашёвий ҳуқуқий табиатини белгилашда, унинг мавжудлиги ва энг муҳим элементларини давлатнинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардаги иштирокига бағишланган ФКнинг 5-бобида қайд этиш ўринли бўларди. Оператив бошқариш ҳуқуқини давлат корхоналарига тегишли ҳамда давлат томонидан амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ мол-мулкка нисбатан амалга ошириладиган муайян ҳуқуқлар ва ваколатлар жамаланмаси сифатида эътироф этиш бу борада энг тўғри қарор бўлур эди.

Муаллифнинг ёзишича, муассасаларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши одатда икки кўринишда ифодаланади: биринчиси, тадбиркорлик фаолиятини бевосита муассасанинг ўзи амалга оширади ва иккинчиси, тадбиркорлик фаолияти муассаса томонидан ташкил этилган юридик шахс томонидан олиб борилади. Бироқ бу ўринда муассасанинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш шартлари, чегараси ва доираси қандай белгиланиши масаласи муҳимдир. ФКнинг 180-моддаси иккинчи қисмида муассасанинг тадбиркорлик фаолиятидан олган даромади мустақил балансда ифодаланади ва мустақил тасарруф этилади. Айрим мутахассислар (М.К.Сулейменов) ушбу ҳуқуқни алоҳида ашёвий ҳуқуқ деб ҳисоблашади. Фикримизча, муассасанинг тадбиркорлик фаолиятидан олган даромадини мустақил тасарруф этишини алоҳида ашёвий ҳуқуқ ҳисобланиши мунозарали бўлиб, у оператив бошқариш ҳуқуқининг ичидаги муайян бир ҳуқуқ саналади. Албатта, оператив бошқариш ҳуқуқида муассаса мол-мулкни мулкдорнинг топшириғига ҳамда фаолият мақсади ва мол-мулкнинг вазифасига кўра тасарруф этади, ўзининг тадбиркорлик фаолиятидан топган даромади ва шу даромад ҳисобидан олган мол-мулкни мустақил тасарруф этади. Бу ҳуқуқни умумий қоидадан истисно ҳисоблаш мумкин. Бироқ бу мустақил тасарруф этиш муассасанинг устави ва манфаатлари учун қаратилган бўлиши лозим.

Хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан давлат мол-мулкидан фойдаланишда турли ҳуқуқий конструкциялардан фойдаланилади ва бунда давлат мол-мулкидан фойдаланишнинг энг замонавий кўриниши бу давлат-хусусий шерикликдир.

ДХШ иштирокчиларининг фуқаролик-ҳуқуқий мақоми вужудга келиши учун муайян юридик фактлар тизими мавжуд бўлиши ва улар қуйидаги босқичларда амалга ошириш лозим: 1) биринчи босқич – лойиҳани амалга ошириш таклифини юбориш ҳамда ушбу талкифни кўриб чиқиш; 2) иккинчи босқич – лойиҳа самарадорлигини баҳолаш ва лойиҳанинг қиёсий

афзалликларини аниқлаш; 3) учинчи босқич – лойиҳани амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилиш; 4) тўртинчи босқич - ДХШ тўғрисидаги битимини тузиш ҳуқуқи юзасидан тендер ўтказиш; 5) бешинчи босқич – ДХШ тўғрисидаги битим ва тўғридан-тўғри битимни тузиш.

Ушбу босқичларни барчаси муайян талаблар, шартлар ва тартиб асосида амалга оширилади ва бунда тарафларнинг зиммасига тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятлар юкланади. ДХШ лойиҳасини ташаббус қилишдан тортиб, лойиҳани тайёрлаш, лойиҳаларнинг реестрини юртиши, лойиҳалар тўғрисидаги маълумотларни олиш, битим тузиш ҳуқуқи учун тендер ўтказиш, тўғридан-тўғри музокараларни олиб бориш, ДХШда битим тузишгача бўлган босқичлардаги барча қоидаларга амал қилган ҳолда амалга оширилади.

“Тадбиркорлик субъектлари мулкӣ асосларининг ҳуқуқӣ режимини такомиллаштириш масалалари”га бағишланган диссертациянинг бешинчи бобида хорижий мамлакатлар тажрибасида тадбиркорлик субъектлари мулкӣ асосларининг ҳуқуқӣ режими тавсифи, тадбиркорлик субъектлари мулкӣ асосларининг ҳуқуқӣ режимини такомиллаштириш масалалари ёритилган.

Ўзбекистон ҳуқуқӣ тизимидан фарқли равишда ривожланган хорижий мамлакатларда тадбиркорлик ҳуқуқи соҳасига иқтисодий муносабатларни тартибга солидиган ва тадбиркорлар манфаатларига тааллуқли бўлган ҳар қандай нормалар киради. Бундай кенг талқин тадбиркорлик ҳуқуқининг предметини ҳуқуқ соҳаси доирасида чегаралашни тақозо этмайди. Шу боис хорижий мамлакатлар қонунчилиги бўйича тадбиркорлик ҳуқуқига шундай нормалар киритиладики, Ўзбекистон юриспруденциясида шаклланган анъанавий талқин бўйича бу нормалар тадбиркорликдан ташқарида бўлган бошқа ҳуқуқ соҳалари (масалан, экология, ер, меҳант ҳуқуқи)нинг манбалари ҳисобланади. Бунда тадбиркорлик соҳасига иншоотнинг тозалиги, маҳсулотнинг хавфсизлиги, санитария-эпидемиология талаблари, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг техник талабларига оид нормалар киритилади.

Хорижий қонунчилик кредиторлар, акциядорлар, ишчилар ва оммавий манфаатлар мутаносиблигига риоя қилишга ҳаракат қилади. Корхонани ишбилармонлик активининг мустақил тури эканлигига хорижий қонунчиликда кўп эътибор қаратилади. Бу борада Буюк Британия ҳуқуқи бўйича корхонани доимий ўзгаришда бўлган активлар мажмуи сифатида (floating charge) гаровга қўйиш имкониятини ёки агар компаниялар учун монополияга қарши тусдаги рухсат олиш зарур бўлса, Европа Иттифоқи органларининг умумий фаолият йўналишига эга алоҳида корхоналарнинг ажратиш ва сотиш талабларини эслаш кифоя.

Маълумки, тадбиркорлик субъектлари мол-мулкида устав капиталини шакллантириш ва унинг минимал миқдорини белгилаш йўли билан кредиторлар манфаатлари таъминланади ҳамда шу орқали тадбиркорлик субъектларининг ўз мажбуриятлари юзасидан жавобгарлиги муайян даражада таъминланади. Хорижий мамлакатлар қонунчилигида тадбиркорлик субъектлари, хусусан, хўжалик жамиятлари устав

капиталининг минимал миқдорини қонунчиликда аниқ белгилаб қўйиш тенденцияси мавжуд бўлгани ҳолда, ушбу миқдорни белгилашга нисбатан турли ёндашувлар амал қилади.

Ўзбекистонда МЧЖлар учун устав фондининг энг кам миқдори Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 20 мартдаги ЎРҚ-531-сонли Қонуни билан “Жамият устав фондининг (устав капиталининг) энг кам миқдори лицензия талабларида белгиланиши мумкин”лиги белгиланди. Фикримизча, бундай ўзгартириш тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида амалга оширилди. Бироқ МЧЖ кредиторлари ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш, жамиятнинг ўз мажбуриятлари юзасидан жавобгарлигини белгилашда бу муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

Диссертацияда тадбиркорлик субъектлари мол-мулкининг турлари кейинги йилларда кенгайиб бораётганлиги тадқиқ қилинади. Бугунги кунда давлат заргарлик саноатида кумуш қўймалар эркин сотилаётганлиги, блокчейнлар, смартехнологиялар, турли ахборот-коммуникация технологияларидан иқтисодий муомалада кенг фойдаланилаётганлиги, биткоинлар, крипта активлардан баъзи мамлакатлар фойдаланишга рухсат берилаётганлиги, бу эса ўз навбатида тадбиркорлик фаолияти мол-мулки объектлари бойиб кенгайиб бораётгандан далолат берганлигини кўрсатади. Шу боис тадбиркорлар мол-мулкининг ҳуқуқий режимини кенгайтиришда, молия, солиқ ва фуқаролик қонунчилигини уйғунлаштириш керак бўлади. Амалга оширилган таҳлиллар натижасида крипта активлар тушунчасини миллий қонунчиликда ифодалаш ҳамда ФКга “крипта актив” номли 95¹-моддани киритиш таклифи илгари сурилади.

Шу билан бирга ишда виртуал мол-мулк “ўйин шаклидаги мол-мулк”, криптовалюта, виртуал токенлар, домен номлари, рақамли актив (digital active)ларнинг ҳуқуқий ҳолати таҳлил этилиб, виртуал мол-мулкнинг ҳуқуқий мақомини қонунчиликда белгилаш зарурати асослантирилган.

ХУЛОСА

Назарий хулосалар:

1. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари мол-мулкининг ҳуқуқий режими деганда, тадбиркорлик фаолияти субъектларига қонун асосларида тегишли мол-мулк ва қонунда белгиланган асослар ва тартибда улар томонидан тадбиркорлик муомаласига киритилган мол-мулк тушунилади. Бунда тадбиркорлик субъектларида мол-мулкнинг мавжудлиги уларнинг тадбиркорлик муомаласида иштирок этиш, турли шартнома ва битимларга киришиш йўли билан ўз фаолиятини олиб бориш ва шу орқали ўзининг мулкий жавобгарлигини таъминлаши лозим бўлади.

2. Тадбиркорлик субъектлари мулк ҳуқуқининг режими фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқи режимидан бир қатор жиҳатлари билан фарқ қилади:

– агар фуқароларнинг мулк ҳуқуқи режимида асосий мақсад истеъмолга қаратилган бўлса, тадбиркорлик субъекти мулк ҳуқуқи режими

фойда олишга йўналтирилади ва бу тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш мақсадидан келиб чиқиб белгиланади;

– фуқаролар мулк ҳуқуқининг режими шахсий истеъмол мақсадини кўзласа, тадбиркорлик субъектлари мулк ҳуқуқи режими тадбиркорлик мақсади (фойда олиш)дан келиб чиқади, қатъий рўйхатга олиш ва солиқ назоратига бўйсундирилган бўлади ҳамда таъсир кўрсатувчи омиллар сифатида баланс, смета ва бухгалтерия ҳисоботи юритилади;

– фуқаролар мулк ҳуқуқининг режимидан фарқли равишда тадбиркорлар мулк ҳуқуқининг режими бир нечта кўринишларда намоён бўлади: хусусий тадбиркорлик тузилмаларида – хусусий мулкка асосланган режим; давлат мулкига асосланган тадбиркорлик субъектларида – оператив бошқариш ҳуқуқи (масалан, унитар корхона) режими; нодавлат нотижорат ташкилотларида – мол-мулкдан тадбиркорлик фаолиятида фойдаланишнинг чекланган режими.

3. Ҳуқуқий ва иқтисодий нуқтаи назардан ҳуқуқий режим тадбиркорлик фаолиятини самарали амалга оширилиши таъминлайдиган ўзига хос тизим ҳисобланади. Зеро, тадбиркорлик субъекти мулк ҳуқуқининг режими белгиланмаса, шахс ушбу мол-мулкдан хоҳлаган пайтда истеъмол мақсадларида фойдаланиши мумкин. Аксинча, бу ҳолатда субъект тегишли мол-мулкни тадбиркорлик фаолияти қўллаш учун балансга киритдими, демак фақат шу мақсадда фойдаланиши керак. Бошқа мақсадларда фойдаланишни чеклаш лозим бўлади ва тадбиркорлик субъектлари мулк ҳуқуқига нисбатан ана шундай чекланган режим ўрнатилиши лозим.

4. Тадбиркорлик субъектлари хусусий мулкни фойдаланиш мақсадига қараб қуйидаги уч тоифага ажратиш мумкин: истеъмол учун белгиланган мол-мулк, ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик учун мўлжалланган мол-мулк. Шу боис тадбиркорлик фаолиятининг муайян соҳалари ва турларида, тадбиркорлик субъектига тегишли мол-мулкдан фойдаланишда устуворлик дастлаб тадбиркорлик мақсадларига қаратилиши зарур. Бироқ бу ҳолатда тадбиркорлик фаолиятдан юзага келган мажбуриятлари учун жавобгарлик юзага келганда ундирувни бир пайтнинг ўзида икки мақсадда фойдаланилган мол-мулкка, масалан, турар жойга қаратиш масаласи амалдаги қонунчиликдан келиб чиқиб ҳал этилиши зарур.

5. Тадбиркорлик субъектлари мол-мулкнинг ҳуқуқий режими тадбиркорлик субъектларининг турлари ва ҳуқуқий ҳолатидан келиб чиқиб ҳам фарқланишини инобатга олиш зарур. Мол-мулк ҳуқуқий режимининг ўзига хослигидан келиб чиқиб, қуйидаги таснифни келтириш мумкин:

1) хусусий мулкдорлар – яқка тадбиркор мол-мулкнинг ҳуқуқий режими;

2) хўжалик жамиятлари ва ширкатлари (ишлаб чиқариш кооперативи, унитар корхона ҳам шунга киради) мол-мулкнинг ҳуқуқий режими;

3) умумий мулкка асосланган ЮШлар конструкцияси: деҳқон хўжалиги ва оилавий корхона (булар ЮШ мол-мулки субъекти бўлмайди) мол-мулкнинг ҳуқуқий режими.

6. Давлат заргарлик саноатида кумуш кўймалар эркин сотиляпти, бунда тадбиркорлик соҳасида фодаланилаётган мол-мулклар доираси кенгайиб бормоқда. Қолаверса, бугунги кунда виртуал мол-мулклар, блокчейнлар, смартехнологиялар, турли ахборот-коммуникация технологиялари, биткоинлар, криптаактивлардан баъзи мамлакатлар фойдаланишга рухсат берилмоқда. Бу эса ўз навбатида, тадбиркорлик фаолияти мол-мулки объектлари бойиб, кенгайиб бораётганлигини кўрсатади. Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари мулк ҳуқуқи асосида кунжара, шулуҳа, бензинни қайта сотиш асосида товар-хом ашё биржаларидан сотиб олаётганлиги ўз навбатида мазкур мол-мулк билан боғлиқ операцияларда тадбиркорлар учун қулай режим ўрнатишни тақозо этади. Бунда тадбиркорлар мол-мулкининг ҳуқуқий режимини кенгайтиришда молия, солиқ ва фуқаролик қонунчилигини уйғунлаштириш керак бўлади.

7. Ҳозирда интернет тармоғида виртуал мол-мулк турлари бўлган “ўйин шаклидаги мол-мулк”, криптовалюта, виртуал токенлар, домен номлари, рақамли актив (digital active) тадбиркорлик муомаласи объекти сифатида амал қилмоқда. Бироқ қонунчиликда ушбу объектларининг ҳуқуқий мақоми ва улар муомаласининг ҳуқуқий тартибга солиниши ўз ифодасини топмаган. Фикримизча, виртуал мол-мулк атамасини фуқаролик қонунчилигига киритиш ва улар бўйича тузиладиган шартномаларнинг ўзига хос жиҳатларини белгилаш лозим.

8. Тадбиркорлик субъектлари мол-мулкини давлат рўйхатидан ўтказишда оммавий ишонччилик тамойилининг моҳияти тадқиқ этилди. Фикримизча, оммавий ишонччилик тамойили давлат рўйхатидан ўтказиш тизимини тасифловчи асосий бўғин ҳисобланади. Бошқача айтганда, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни рўйхатдан ўтказиш тизимини оммавий ишонччилик тамойилига асосланиб (орқага қайтмаслик тамойили билан уйғунликда) ёки унга асосланмасдан бўлиш мумкин. Ушбу тамойил амал қилганда, қуйидаги ижобий жиҳатлар намоён бўлади: биринчидан, кўчмас мол-мулк муомаласи иштирокчиларининг ўз ҳуқуқлари барқарорлигига ишончининг сифатига кўра юқори даражасини; иккинчидан, рўйхатдан ўтказувчининг ҳуқуқлар ҳақидаги ёзувни рўйхатга киритиш тўғрисида қарор қабул қилгандаги мажбуриятлар ва ваколатларнинг зарурий миқдорига риоя қилиниши юзасидан ижобий жавобгарликнинг сифат жиҳатидан ўзга даражасини; оммавий ишонччилик тамойили билан давлатнинг нотўғри рўйхатдан ўтказиши натижасида етказилган зарари ва рўйхатдан ўтказувчининг ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги учун салбий жавобгарлик даражасига боғлиқдир.

9. Ягона мулкӣ комплекс ҳам одатда мол-мулкнинг бир тури сифатида талқин этилади. Амалдаги ФКда эса “мулкӣ комплекс” термини фақат корхона билан боғлаб қўйилган бўлиб, бундай ёндашув мулкӣ комплексни мол-мулкнинг алоҳида тури бўлиши мумкин эмаслигини англатади. Бу эса ўз навбатида мулкӣ комплекснинг фуқаролик муомаласи объекти сифатида ҳолатига салбий таъсир кўрсатади. ФКнинг янги таҳрири лойиҳасида эса корхона тушунчасидан воз кечилаётганлиги эса фуқаролик ҳуқуқи

доктринаси учун янги чақирикни юзага келтириши мумкин. Фикримизча, корхона инситутини сақлаб қолиш баробарида мулкый комплекс тушунчасини фақат корхона билан боғлашдан воз кечиш мақсадга мувофиқ бўларди.

10. Хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан давлат мол-мулкидан фойдаланишда турли ҳуқуқий конструкциялардан фойдаланилади ва бунда давлат мол-мулкидан фойдаланишнинг энг замонавий кўриниши бу давлат-хусусий шерикликдир. Давлат-хусусий шериклик – ижтимоий аҳамиятга эга бўлган, инвестиция, инновация, инфратузилма ва давлат, жамият иқтисодиёти учун муҳим бўлган бошқа лойиҳа ва дастурларни реализация қилиш учун амалга ошириладиган давлат ва хусусий шерикларнинг хусусий инвестицияларни иқтисодиётга жалб этиш, ресурсларни бирлаштириш ва хавфларни тақсимлаш мақсадида муайян муддатга юридик расмийлаштириладиган ўзаро фойдали ҳамкорликдир.

11. Тадбиркорлик фаолиятини ўзгалар мол-мулкни жалб этиш орқали амалга ошириш шакли сифатида мол-мулкни ишончли бошқариш институтини амалда кенг қўллаш бўш турган мол-мулкни иқтисодий муомалага киритиш ҳамда бу борада мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг ҳуқуқий механизмларини амалда қўллаш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

12. Бугунги кунда қонун ҳужжатлари, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва илмий адабиётларда “хусусий тадбиркорлик” атамаси кенг қўлланилмоқда. Бироқ бугунги кунда қонунчиликда мазкур тушунчанинг таърифи мавжуд эмас. Қолаверса, “хусусий тадбиркорлик” ва “оммавий (давлат) тадбиркорлик”нинг ўзаро нисбати, уларнинг аниқ чегараси белгиланмаган. Бу эса ўз навбатида, турли мураккаб мулкый тузилмалар (давлат иштирокидаги акциядорлик жамиятлари, холдинглар ва шу кабилар)нинг мақоми, уларга нисбатан хусусий тадбиркорлик субъектлари учун белгиланган имтиёзлардан фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги каби ҳолатларда қонунчиликни турли хил қўлланилишига олиб келади. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Тадбиркорлик кодекси лойиҳасига “хусусий тадбиркорлик”, “оммавий (давлат) тадбиркорлик” каби атамаларнинг тушунчасини киритиш зарур.

13. Фикримизча, суперфиций инситутути ФКнинг “мулк ҳуқуқи ва ашёвий ҳуқуқлар” бўлимига киритилиши ва унда “Қурилиш қилиш ҳуқуқи (суперфиций)” алоҳида боб сифатида белгиланиши лозим. Бунда “Ер участкасида қурилиш қуриш ҳуқуқи (суперфиций) тушунчаси”, “Қурилиш қилиш ҳуқуқи (суперфиций)нинг асосий шартлари”, “Қурилиш қилиш ҳуқуқи учун ҳақ тўлаш”, “Қурилиш қуриш ҳуқуқи тугатилиши”, “Қурилиш қилиш ҳуқуқи тугатилганда мажбуриятлар бўйича ворислик” каби қоидаларни қамраб олиши лозим.

14. ФКга киритилиши таклиф этилаётган, “Суперфиций” бобида “Қурилиш қилиш ҳуқуқи (суперфиций)нинг асосий шартлари”, “Қурилиш қилиш ҳуқуқи учун ҳақ тўлаш”, “Қурилиш қуриш ҳуқуқи тугатилиши”, “Қурилиш қилиш ҳуқуқи тугатилганда мажбуриятлар бўйича ворислик” каби моддаларни белгилаш орқали тадбиркорлик фаолиятига ўзгалар мол-

мулкини жалб этишнинг янги ҳуқуқий конструкциясини белгилаш ва шу орқали тадбиркорлик фаолиятини яна ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш мумкин бўлар эди.

15. Қурилишда биргаликда иштирок этиш шартномасига оид қоидаларни ФКга алоҳида боб сифатида киритиш ва бунда қурилишда биргаликда иштирок этиш шартномасининг тушунчаси, шакли, мазмуни, ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш, кўп квартирали уй-жойларни қуришда биргаликда иштирок этиш, шартноманинг баҳоси, кафолатлар ва шу каби бошқа қоидалар ўз ифодасини топиши лозим.

Қонун ижодкорлиги соҳасида:

I. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексини такомиллаштиришга оид таклифлар:

I.1. ФКнинг 76-моддаси 3-қисмини қуйидаги таҳрирда ифодалаш зарур:

Муассаса **тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган** ўз мажбуриятлари бўйича ихтиёридаги пул маблағлари билан жавоб беради. Бу маблағлар етарли бўлмаса, тегишли мол-мулкнинг эгаси унинг **тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган** мажбуриятлари юзасидан субсидиар жавобгар бўлади.

I.2. ФКга “крипта актив” номли 95¹-моддани киритиш ва уни қуйидаги таҳрирда белгилаш лозим:

Крипто-актив бу қиймати ва эгаси бўлган, моддий кўринишга эга бўлмаган, мазмуни ва шартлари қонунда белгиланган тартибда аниқланадиган мулкӣ ҳуқуқ ҳисобланади.

Крипто-активга бўлган мулкӣ ҳуқуқ криптографик ҳимоя ва тақсимланмаган маълумотлар реестри каби ахборотнинг бутунлиги ва ишончилигини таъминловчи технологиялар мажмуи билан ҳимояланган ахборот тизимларида қайд этилиши керак, ва ушбу ахборот тизимларига ёзув киритилиб, бу ҳақда маълумот эълон қилинган учинчи шахслар учун юридик кучга эга бўлади.

Крипто-активлар фуқаролик ҳуқуқлари объекти ҳисобланади ва қонунда бошқа тартиб ўрнатилмаса, эркин муомалада бўлади.

Крипто-активларни эмиссия қилиш, муомалага чиқариш, шунингдек бегоналаштириш, уларнинг ҳисобини юритиш холлари, тартиби ва шартлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

I.3. ФКга “Қурилиш қилиш ҳуқуқи (суперфиций)” номли 14¹-бобни киритиш, 181¹-моддаси сифатида “Ер участкасида қурилиш қуриш ҳуқуқи (суперфиций) тушунчаси” тўғрисида қуйидаги нормаларни белгилаш мақсадга мувофиқ бўлар эди:

Ер участкаси бошқа шахсга (суперфициар) фойдаланишга шундай тарзда берилиши мумкинки, бунда ушбу шахс мазкур ер участкасининг устида ёки остида бегоналаштириладиган ва мерос қилиб қолдириладиган қурилмага эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўлади (қурилиш қилиш ҳуқуқи).

Қурилиш қилиш ҳуқуқи (суперфиций) объекти бўлиб хусусий ва давлат мулкида ер участкалари, шунингдек доимий фойдаланиш ёки мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқидаги ер участкалари бўлади.

Қурилиш қилиш ҳуқуқи (суперфиций) ер участкасининг қурилиш қилинаётган қисмига ҳам, қурилмага хизмат кўрсатиш учун зарур бўлган қисмига ҳам татбиқ этилиши мумкин.

Қурилиш қилиш ҳуқуқи (суперфиций) муддатли ёки муддатсиз бўлиши мумкин.

Давлат мулкидаги ер участкалари ваколатли орган томонидан 30 йилдан 99 йилгача қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қурилиш қилиш ҳуқуқи (суперфиций) асосида берилиши мумкин.

Қурилиш қилиш ҳуқуқи (суперфиций) муддати тугагандан сўнг қурилма ер участкаси билан бирга ер участкасининг мулкдориди қолади, шартномада бошқа ҳол белгиланган бўлмаса.

1.4. ФКнинг 274-моддаси биринчи қисми 1-бандини қуйидаги таҳрирда ифодалаш зарур:

1) гаровга қўйилган мол-мулк йўқолиши ёки шикастланиши хавфидан гаров билан таъминланган талабнинг миқдоридан кам бўлмаган суммага гаровга қўювчи ҳисобидан суғурталаш;

1.5. ФКнинг 274-1-моддаси сифатида “ҳуқуқлар гаровида гаровга олувчининг ҳуқуқларини таъминлаш” номли модда киритиш ва унда ҳуқуқлар гаровга қўйилганда гаровга олувчининг ҳуқуқларини таъминлаш чоралари хусусида қоидалар назарда тутилиши лозим.

II. Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдор ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунни такомиллаштиришга оид таклифлар:

II.1. Қонуннинг 8-моддасида хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш усули сифатида кўрсатиб ўтилган “хусусий мулк ҳуқуқини тан олиш” усулини алоҳида моддада ифодалаш ва унинг мазмунини қуйидаги изоҳлаш мақсадга мувофиқ: хусусий мулк ҳуқуқини тан олиш қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда ваколатли давлат органи, суд ёки мазкур ҳуқуқ бўйича низолашаётган субъект томонидан амалга оширилади.

II.2. “Хусусий мулк ҳуқуқи бузилишидан олдинги ҳолатни тиклаш ва хусусий мулк ҳуқуқини бузадиган ёки унинг бузилиши хавфини туғдирадиган ҳаракатларнинг олдини олиш” усули қуйидаги таҳрирда қонунда белгиланиши зарур эди: хусусий мулк ҳуқуқининг бузилиш ҳолатлари юзага келганда мулкдор тегишли шахслар ёхуд суддан ўзининг хусусий мулк ҳуқуқи бузилишидан олдинги ҳолатни тиклашни талаб қилишга ҳақлидир.

Хусусий мулк ҳуқуқининг бузилиши хавфи юзага келганда ёки келгусида унинг бузилиш хавфи бор бўлганда мулкдор бундай фаолиятни тўхтатишни ва тақиқлашни талаб қилишга ҳақли.

II.3. Хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг навбатдаги усули бўлган “битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва унинг ҳақиқий эмаслиги

оқибатларини қўллаш”ни эса “битимни тузиш йўли билан хусусий мулк ҳуқуқи бузилган ҳолларда мулкдор қонунчиликка мувофиқ, суд тартибида битимини ҳақиқий эмас деб топишни ва унинг ҳақиқий эмаслик оқибатларини қўллашни талаб қилишга ҳақли”лиги қондаси билан белгилаш зарур.

II.4. Бурчни аслича (натура) бажаришга мажбур қилиш – усулини эса қонунда алоҳида модда сифатида белгиланиши ва назаримизда қуйидагича ифодаланиши лозим эди: мулкдорнинг талабларини қаноатлантиришнинг турли усуллари мавжуд бўлган ҳолларда унинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш учун бурчни аслича (натура) ҳолда бажариш қўлланилиши лозим. Мазкур ҳолатдан истиснога фақат қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва мулкдорнинг розилиги билан йўл қўйилади.

II.5. Зарарнинг ўрнини қоплаш ҳам хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг муҳим усулларида бири бўлиб, мазкур усул нимани англатиши ва бунда хусусий мулк эгаси нималарни талаб қилиши мумкинлиги қонунда ифодаланиши алоҳида тусга эга. Назаримизда, зарарнинг ўрнини қоплаш усули қонунда қуйидаги кўринишида белгиланиши зарур: мулкдор ўзининг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатларини, мол-мулки йўқолиши ёки шикастланиши (ҳақиқий зарар), шунингдек, ўз ҳуқуқлари бузилмаганида одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида олиши мумкин бўлган, лекин ололмайд қолган даромадлари (бой берилган фойда)ни талаб қилишга ҳақли.

II.6. Неустойкани ундириш ҳам хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишда кенг қўлланиладиган усуллардан биридир. Бироқ янги Қонунда мазкур усулнинг тушунчаси, моҳияти ва мазмуни хусусда ҳеч қандай қоида ёки изоҳ белгиланмаган. Фикримизча, бу ҳолат мулкдорларнинг манфаатларини таъминлаш ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усулларида самарали фойдаланишга салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабли Қонунга неустойка ундириш номли алоҳида модда киритиш ва унинг мазмунини “мулкдор ҳуқуқлари бузилганда айбдор шахс зиммасига шартнома ёки қонунга мувофиқ неустойкани тўлаш мажбурияти юкланиши мумкин”.

II.7. Хусусий мулк ҳуқуқи бузилганда мулкдорга моддий зарар билан бирга маънавий зарар ҳам етказилиши мумкин. Мазкур ҳолатда маънавий зарар сифатида нималар тушинилиши ва айнан қайси омиллар билан маънавий зарар моҳияти аниқланиши қонунда назарда тутилиши лозим. Бунда “мулкдорнинг ҳуқуқлари бузилиши натижасида унга жисмоний ва рухий азоб-уқубатлар етказилган бўлса, у қонунчиликка мувофиқ маънавий зарар учун товон талаб қилиш ҳуқуқига эга” қондаси қонунга киритилиши мақсадга мувофиқ.

II.8. Хусусий мулк ҳуқуқи муносабатларини тартибга солишда қонун ҳужжатлари барқарорлигини таъминлаш - хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг янги усули бўлиб, миллий қонунчилигимизга илк маротаба киритилмоқда. Мазкур ҳимоя усули хусусий мулкчилик соҳасидаги қонунларнинг барқарор бўлишини таъминлаш натижасида давлат органлари

томонидан чиқариладиган қонун ости ҳужжатлари хусусий мулк ҳуқуқини бузилишини чеклашга хизмат қилади. Фикримизча, ушбу ҳимоя усули қонунда қуйидаги мазмунда белгиланиши зарур:

Хусусий мулк ҳуқуқи муносабатлари қонун билан тартибга солиниши лозим.

Қонун ости ҳужжатлари қонунларни амалга ошириш ёки таъминлаш учун қабул қилинади ва қонунга зид бўлмаслиги лозим.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўз фаолиятларида хусусий мулк соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонунчиликнинг барқарорлиги ва қатъийлигини таъминлашлари лозим.

II.9. Давлат органининг ва бошқа органнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг қонунга зид бўлган ҳужжатининг суд томонидан қўлланилмаслиги ҳам хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишда қўлланиладиган ҳимоя усули сифатида қонунда очиб берилмаган. Бу эса мазкур ҳимоя усулини қўллашда қийинчиликлар туғдириши мумкин. Шу боис ушбу ҳимоя усулини қонунда қуйидаги таҳрирда ифодалаш лозим: суд хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги ишни кўриш чоғида давлат органи ёки бошқа органнинг ҳужжати қонунга тўғри келмаслигини, шу жумладан у ваколат доирасидан четга чиққан ҳолда чиқарилганини аниқласа, қонунга мувофиқ қарор қабул қилади.

III. Ўзбекистон Республикасининг “Гаров тўғрисида” тўғрисидаги қонунини такомиллаштиришга оид таклифлар:

ФКнинг 274-моддаси биринчи қисми қоидаларини такрорламаслик ҳамда “Гаров тўғрисида” ги Қонунининг 12-моддаси номи ва унинг биринчи қисми мазмуни мослиги таъминлаш мақсадида, ушбу нормани қуйидаги мазмунда ифодалаш лозим:

Гаровга қўйилган мол-мулкнинг йўқолиши ёки шикастланиши хавфи Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 274-моддаси биринчи қисми 1-банди талабларига кўра, гаровга қўювчи ҳисобидан суғурталаниши лозим.

IV. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунининг 2-моддасига иккинчи хатбоши сифатида қуйидаги қоидани киритиш мақсадга мувофиқ:

кредит ташкилоти – ўз фаолиятининг асосий мақсади сифатида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг махсус рухсати асосида фойда олиш учун ушбу қонунда назарда тутилган банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган юридик шахс. Кредит ташкилоти хўжалик жамияти сифатида мулкчиликнинг ҳар қандай шаклида ташкил этилиши мумкин.

V. Давлат муассасаларининг мақомини белгилаш, уларнинг фуқаролик-ҳуқуқий мақоми учун умумий жиҳатларни ва тартибни, уларга биритирилган мол-мулкнинг мақомини аниқлаш мақсадида “Давлат муассаси тўғрисида” ги Низомни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.07/30.12. 2019.Yu.22.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ЮРИДИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ЮРИДИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

АШУРОВА НАРГИЗА АЪЗАМОВВНА

**ПРАВОВОЙ РЕЖИМ ИМУЩЕСТВЕННЫХ ОСНОВ СУБЪЕКТОВ
ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВ**

12.00.03 – Гражданское право. Предпринимательское право.
Семейное право. Международное частное право

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора юридических наук (DSc)

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.2.DSc/Yu44.

Докторская диссертация выполнена в Ташкентском государственном юридическом университете.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) на веб-сайте Научного совета (www.tsul.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Окюлов Омонбой

доктор юридических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Караходжаева Дилором Мамировна
доктор юридических наук, профессор

Насриев Илхом Исмаилович
доктор юридических наук, профессор

Чиниев Дилшод Абдимуминович
доктор юридических наук

Ведущая организация:

Университет мировой экономики и дипломатии

Защита диссертации состоится 17 ноября 2021 года в 14:00 на заседании Научного совета DSc.07/30.12. 2019.Yu.22.01 при Ташкентском государственном юридическом университете (Адрес: 100047, г. Ташкент, улица Сайилгох, 35. Тел.: (99871) 233-66-36; факс: (99871) 233-37-48; e-mail: info@tsul.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного юридического университета (зарегистрировано за № 991). (Адрес: 100047, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 13. Тел.: (99871) 233-66-36).

Автореферат диссертации разослан «2» ноября 2021 года.

(протокол реестра № 14 от «2» ноября 2021 года).



И.Р. Рустамбеков

член Научного совета по
присуждению ученых степеней,
доктор юридических наук,

Д.Ю. Хабибуллаев

секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней,
кандидат юридических наук,
профессор

С.С. Гулямов

Председатель Научного семинара
при Научном совете по
присуждению ученых степеней,
доктор юридических наук,
профессор

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация докторской (DSc) диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире наблюдается процесс постоянной адаптации, развития и совершенствования законодательства в сфере поддержки субъектов предпринимательства, обеспечения их финансовой стабильности путем предоставления льгот и преференций в условиях социально-экономических рисков (демонстраций, забастовок, пандемии, карантина), а также создания надежного и эффективного правового режима их имущества. По мнению агентства Bloomberg из-за распространения вируса SARS-CoV-2 мировая экономика понесет ущерб в размере 2,7 трлн долларов США¹, Международная ассоциация воздушного транспорта оценила ущерб для данной отрасли в размере 29,3 млрд долларов США², а Азиатский банк развития оценил предстоящий ущерб от Covid-19 в размере 5,8 трлн долларов США, а при изменении карантинных мер – в размере 8,8 трлн долларов США³.

В условиях пандемии и карантина в качестве важных задач, стоящих перед мировой юриспруденцией, представляется поиск научно-правовых решений по всесторонней поддержке субъектов предпринимательства, разработка теоретически и практически обоснованных концептуальных путей сохранения их имеющейся собственности и дальнейшего сбалансированного развития, объявления мораториев на исполнение обязательств субъектов предпринимательства перед обществом, в том числе по уплате налогов и сборов. При этом уделяется особое внимание коренному пересмотру правовых основ определения правовых режимов собственности, упрощению системы регистрации имущества и цифровизации данных процессов, либерализации методов и средств привлечения имущества в предпринимательскую деятельность. В связи с этим, в предмет изучения науки юриспруденции вошли расширение видов имущества субъектов предпринимательства, определение при этом правового режима привлеченного имущества (в том числе денежных средств), криптоактивов, тенденция передачи прежних направлений бизнеса и хозяйственной деятельности государственных органов субъектам предпринимательства.

По указанным причинам имеет важное значение формирование новых подходов к определению правового режима имущественных основ субъектов предпринимательства и расширению сферы его деятельности и охвата, создание новых договорно-правовых конструкций привлечения имущества собственников в предпринимательскую деятельность, определение правового режима имущественных основ принадлежащих государству хозяйствующих субъектов в качестве предпринимательских субъектов, а также создание на этой основе новых правовых механизмов определения правового режима собственности в условиях цифровой экономики. В настоящее время имеет актуальное значение также исследование правовых

¹ <https://www.dw.com/ru>

² <https://www.aa.com.tr/ru>

³ <https://www.aa.com.tr/ru>

методов непосредственного участия государства в предпринимательской деятельности, конкретное определение системы правовых гарантий собственности предпринимательских субъектов.

Правовой режим имущественных основ субъектов предпринимательства в Узбекистане характеризуется разбросом правовых норм по различным актам законодательства, а также его закрепление преимущественно посредством подзаконных нормативно-правовых актов. Наряду с этим слишком большой объем законодательного массива о деятельности субъектов предпринимательства порождает взаимные противоречия между нормативно-правовыми актами и проблемы правоприменения, связанные с правовым режимом имущественных основ предпринимательской деятельности. Кроме того, виды предпринимательских субъектов и действие норм закона о каждом из них выносит на повестку дня объединение данного законодательства в единую систему, приведение к единообразию подзаконных актов. Данные факторы, в свою очередь, требуют научного обоснования направлений совершенствования правового режима имущественных основ предпринимательских субъектов, анализа правовой характеристики состава имущества предпринимательских субъектов, расширения правовых методов привлечения имущества собственников в предпринимательскую деятельность. Наряду с этим, наличие случаев нарушения органами государственной власти и их должностными лицами права собственности субъектов предпринимательства, самовольного сноса принадлежащего им недвижимого имущества демонстрирует необходимость совершенствования механизмов защиты права собственности предпринимательских субъектов в законодательстве и правоприменительной практике.

Для проведения настоящей исследовательской работы в определенной степени влияние оказывают руководящие направления, закрепленные в Гражданском кодексе Республики Узбекистан (1995, 1996), Земельном кодексе (1996), Законах «О фермерском хозяйстве» (1998), «О залоге» (1998), «О гарантиях свободы предпринимательской деятельности» (2012), «Об акционерных обществах и защите прав акционеров» (2014), «О защите частной собственности и гарантиях прав собственников» (2014), Указах Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» и от 27 июля 2018 года № УП-5490 «О мерах по дальнейшему совершенствованию защиты прав и законных интересов субъектов предпринимательства», постановления Президента Республики Узбекистан от 13 июля 2018 года № ПП-3852 «О мерах по дальнейшему улучшению рейтинга Республики Узбекистан в ежегодном отчете Всемирного банка и Международной финансовой корпорации «Ведение бизнеса», распоряжения Президента Республики Узбекистан от 5 апреля 2019 года № Ф-5464 «О мероприятиях по совершенствованию Гражданского законодательства Республики Узбекистан».

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике. Настоящая диссертация выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в республике I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации⁴. Научные исследования по совершенствованию правового режима имущественных основ субъектов предпринимательств проводятся в ведущих научных центрах и университетах, в том числе в Northern Arizona University (США), University of Leeds (Великобритания), Oxford University (Англия), Princeton University (США), Harvard Business School (США), University of California (США), University of Rochester (США), Portland State University (США), Johannes Gutenberg-Universität Mainz (Германия), Московском государственном юридическом университете имени О.Е.Кутафина (Российская Федерация), Казанском государственном университете (Российская Федерация), Ташкентском государственном юридическом университете (Республика Узбекистан).

